

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2023 йил 29 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик этувчи, судья Б.Б.Бердиев, халқ маслаҳатчилари: Н.Джалалов ва С.Акилхановдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси И.Бахтияровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчи Ф.Юнусов, судланувчи Д.Абдукаримова ва унинг адвокати С.Музапаровнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган

Абдукаримова Дилором Одиловна, 1973 йил 2 февраль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2021 йил 21 август кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 71-моддасига асосан жазодан озод қилинган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қизилсув кўчаси, 191-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича 2023 йил 10 май кунидан бошлаб “қамоқ” тарзидаги эҳтиёт чора қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган

нисбатан 1-1001-2304/523-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Абдукаримова Дилором Одиловна 2023 йил 10 май куни соат 11:30 ларда турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов, кўшниси Б.Шамсуддинов ҳамда турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримовнинг таниши У.Арифовлар билан бирга мазкур хонадоннинг ховли қисмида 1 литр ҳажмдаги 2 дона “Тошкент оқшоми” ароғини биргаликда истеъмол қилишиб, спиртли ичимликлар таъсирида маст ҳолда бўла туриб, турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов кўшниси Б.Шамсуддиновдан Д.Абдукаримовани рашк қилиши натижасида ўзаро жанжал бошланиб, Ж.Абдукаримов унинг ортидан қувиб келиб, ховлида бўлган рўзғор буюми алюмин материалдан ишланган “манти қасқон”нинг пастки қисми билан Д.Абдукаримованинг танасини бош, елка ва қўл қисмларига бир неча бор урган вақтида Д.Абдукаримова турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов томонидан мунтазам равишда калтакланиб келинаётганлигидан жаҳли чиқиб, хонадон ошхонасига кириб, ошхонада бўлган рўзғор пичоғи билан қуролланиб, қўлидаги ошхона пичоғи билан турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримовнинг ҳаёти учун муҳим бўлган бўйин соҳаси чап қисмига зарб билан урганида етказилган тан жароҳати оқибатида Ж.Абдукаримов ҳодиса жойида вафот этган.

Судланувчи **Абдукаримова Дилором Одиловна** суд мажлисида айбига қисман иқrorлигини билдириб, мархум Абдукаримов Жура Абдужаббарович билан 2016 йилда ФХДЁ бўлими орқали никоҳдан ўтиб, яшаб келганлиги,



Ж.Абдукаримов билан турмуши давомида 2004 йилда бир нафар фарзандли бўлишганлиги, вақтинча ишсиз бўлганлиги боис, маҳалласидагиларнинг уй ишларига қарашиб, иш ҳақи олиб, тирикчилик қилиб келганлиги, 2023 йил 9 май куни кечки пайт марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов билан биргаликда уйда 0,5 литр ҳажмдаги спиртли ичимликни ичишганлиги ва уйда алоҳида-алоҳида ухлашганлиги, эрталаб ўрнидан турган вақтида уйда унга номаълум бўлган эркак киши ухлаб ётганлигини кўриб, бу ҳақида марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримовдан сўраганлиги, Ж.Абдукаримов унга қайинсинглиси Шахнозани турмуш ўртоғи деб таништирганлиги, бироқ мазкур номаълум шахсни ёнига бориб яхшироқ қараганида синглиси Шахнозани турмуш ўртоғи эмаслигини билганлиги, бир оздан сўнг Ж.Абдукаримов ундан номаълум шахсни пластик картасини сўраганлиги, шунда ерда ётган пластик картани ишламайдиган музлатгичнинг тепасига қўйганлигини айтганлиги, кейинчалик тергов пайтида унга нотаниш бўлган шахснинг исми Арифов Убай Олим-Бобирович эканлигини билганлиги, шундан сўнг, У.Арифов билан бирга марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов дўкондан нарса олгани чиқиб кетишганлиги, тахминан бир соатлардан кейин турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов ва У.Арифов “Тошкент оқшоми” деб номланган бир литрлик ароқ, “Қибрай” деб номланган пиво, салқин ичимлик ва тахминан олти дона гумма олиб келишганлиги, тахминан 5 дақиқадан сўнг қўшниси Б.Шамсутдинов кириб келганлиги, марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов, У.Арифов ва Б.Шамсутдиновлар биргаликда спиртли ичимликни ичишганлиги, бу вақтда уни ҳам таклиф қилишганлиги ва у ҳам бир оз спиртли ичимлик ситеъмол қилганлиги, шу вақтда ароқ тугаб қолганидан сўнг унга У.Арифов ҳозирда юра олмаслигини айтиб қўлига 65.000 сўм миқдорида пул бериб ароқ олиб келишини илтимос қилганлиги, турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов ҳам ароқ олиб келиб беришини буюрганлиги, шундан сўнг, бир кун аввал пиширган овқатини уларга иситиб бериб, ароқ олиб келиш учун кўчага чиқаётганида қўшниси Б.Шамсутдинов ўзининг уйдан ароқ учун закуска олиб чиқишни айтиб чиқиб кетганлиги, 20 дақиқа ичида дўконга бориб, “Тошкент оқшоми” деб номланган ароқ олиб келганлиги, қўшниси Б.Шамсутдинов ундан кейин ароқ учун закуска олиб келганлиги, шу тарзда барчалари биргаликда ароқ ичишда давом этишганлиги, шу орада марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов маст бўлиб қолиб, ўз-ўзидан уни ҳамманинг олдида ҳақоратлаганлиги, буни эшитган Б.Шамсутдинов “сизлар урушаверинглар” деб уйдан чиқиб кетганлиги, бу вақтда У.Арифов Ж.Абдукаримовни тинчлантира олмаганлиги, марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов девор устида турган манти қасқоннинг паст қисми билан уни ура бошлаганлиги, бир неча мартаба урганидан сўнг, жаҳли чиқиб, уни ҳақоратлаб, қочиб кетганлиги, илгари ошхона бўлган, ҳозирда идишлари турадиган хона ва ювинадиган йўлақда турган ошхона пичоғини олиб чиқиб, турмуш ўртоғи Абдукаримов Жура Абдужаббаровичга пичоқни кўрсатиб, унга ёки ўзига пичоқ тиқиб олишини айтиб, уни кўрқитмоқчи бўлганлиги, шунда турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов унга ташланиб қолганлиги, шунда Ж.Абдукаримовни итариб юбориб, қочаётганида Ж.Абдукаримов уни ортидан



етиб олиб, сочини тортганлиги, шунда у орқа томонга турмуш ўртоғи томон ўгирилиб, қўлида турган ошхона пичоғини турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримовнинг чап буйин қисмига тиқиб олганлиги, бўйнидан қон оқиб, ерга йиқилиб тушганлиги, Ж.Абдукаримовнинг бўйнини ушлаганлиги, кейин ўзи шок ҳолатда юзларини ювишга борганлиги, У.Арифовга тез ёрдам чақирини айтганлиги, бироқ айнан ким тез ёрдам чақирганлиги билмаслиги, марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов уни доимий равишда қўшниси Б.Шамсутдиновдан рашк қилиб келиши, воқеа куни ҳам жанжал шундан бошланганлиги, воқеа куни стол устида турган чойнақдаги иссиқ чой беихтиёр Ж.Абдукаримовни оёқ қисмига тукилганлиги, шундан куйган бўлиши мумкинлиги, лекин Ж.Абдукаримовга атайдан ёки қасдан иссиқ сув тукмаганлиги, марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримов билан эр-хотинлик муносабати, бирга бўлиш ва яқинлик муносабати йўқлигига 5-6 йил бўлганлиги, Ж.Абдукаримов ҳеч қаерда ишламасдан доимий равишда ичкиликка ружу қўйиб, унинг топган маблағи эвазига кун кўриб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб келганлиги, марҳум турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримовни ўлдириш нияти бўлмаганлиги, ўзини ҳимоя қиламан деб беихтиёр пичоқ санчиб олганлиги, бир нафар қизи ёлғиз ва уйсиз ўзи қолганлиги, жабрланувчи ҳам судланувчи ҳам ўзи эканлиги, унга камроқ муддатда қамоқ жазо тайинланишини сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи сифатида сўралган **Абдукаримова Лола Жўра қизи** ҳақиқатдан ҳам - марҳум Ж.Абдукаримов унинг отаси бўлиши, ўзи турмушга чиққанлиги, бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, ҳозирда турмуш ўртоғи билан ҳам бирга яшамаётганлиги, уни ҳайдаб юборишганлиги, 2023 йил 7 май куни уйда бўлган доимги жанжалларнинг бирида угай акасини уйига кетганлиги, 2023 йил 10 май куни отаси қўнғироқ қилиб, уйга қайтиб келишини айтганлиги, у отаси Ж.Абдукаримовга тушликдан сўнг қайтиб боришини айтганлиги, тушликдан сўнг келганида эса отаси Ж.Абдукаримов вафот этганлиги кўрганлиги, воқеани кўрмаганлиги ва жанжал сабабини эса билмаслиги, бироқ марҳум отаси унга оталик қилмаганлиги, доимий равишда ичкиликка ружу қўйиб онаси топган пулга кун кўрганлиги, ота-онаси ўртасидаги жанжал ҳеч қачон тинмаганлиги, онасини яхши кўришини, чунки тарбия қилиб, боққанлиги, шу боисдан онаси Д.Абдукаримовага нисбатан даъвоси йўқлиги, енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган **Арифов Убай Олим-Бобирович** ҳақиқатдан ҳам - 2023 йил 9 май куни Юнусобод туманининг 3-мавзесида жойлашган барга бир ўзи бориб, у ерда 200 грамм ароқ ичганлиги, у ерда Толиб исмли йигит билан танишиб қолиб, у билан ҳам спиртли ичимлик ичишганлиги, бардан соат тахминан 22:00 ларда чиқишганлиги, шунда Толиб унга Жўра тоғасиникига бориб, ичишни таклиф қилганлиги, унинг таклифига рози бўлиб, Толиб билан Мирзо Улуғбек туманидаги Циальковский кўчасида Ж.Абдукаримовнинг уйига боришганлиги, йўлда 0,5 литр ҳажмли ароқ сотиб олиб соат тахминан 23:00 ларда етиб боришганлиги, соат тахминан 2:00



ларгача Ж.Абдукаримов билан бирга ароқ ичиб, гаплашиб ўтиришганлиги, Толиб ичмаганлиги, соат тахминан 2:00 ларда Ж.Абдукаримов унга ётиш учун ҳовлига кўрпача тўшаб берганлиги, Толиб уйига кетганлиги, эртаси куни эрталаб соат 7:00 ларда Ж.Абдукаримовнинг турмуш ўртоғи Д.Абдукаримова уни уйғотиб "кимсан" – деб сўраганлиги, унга "мен Убайман" деб жавоб берганлиги, соат 8:30 ларда Ж.Абдукаримов унинг олдига келиб, яна ароқ ичишни таклиф қилганлиги, унинг таклифига рози бўлиб, дўконга бориб, 1 дона 1 литрли "Тошкент оқшоми" ароғини ва бир неча гуммаларни сотиб олиб, Ж.Абдукаримовнинг уйига келишганлиги, ҳовлида ўзи, Ж.Абдукаримов, Д.Абдукаримова ва қўшниси Б.Шамсутдинов билан бирга ўтириб, ўзлари билан олиб келган ароқни ичишганлиги, бир соатларда ароқни истеъмол қилиб тугатишганлиги, шунда Ж.Абдукаримовнинг турмуш ўртоғи Д.Абдукаримовага пул бериб, яна ароқ олиб келишини сўраганлиги, бу вақтда эса ўзи ухлаб қолганлиги, орадан қанча вақт ўтганлигини эслай олмаслиги, Ж.Абдукаримов ва Д.Абдукаримова ҳовлида бир-бирига бақириб, жанжаллашаётган овозларини эшитиб уйғониб кетганлиги, нима бўлганлиги, нима сабабдан жанжаллашаётганликларини тушунмаганлиги, Ж.Абдукаримов қўлида мантиқасқоннинг пастки қисмини ушлаб турганлиги, уларнинг жанжалини кўриб, кетмоқчи бўлганида Д.Абдукаримова қочмоқчи бўлиб югурган вақтида Ж.Абдукаримов Д.Абдукаримовнинг ортидан қувганлиги, шу вақтда Д.Абдукаримовани қўлида пичоқ пайдо бўлиб қолганлигини кўрганлиги, пичоқни қаердан олганлигини кўрмай қолганлиги, улар бир-бирини уриб, жанжаллашишда давом этишганлиги, жанжал пайтида Д.Абдукаримова қўлидаги пичоқ билан турмуш ўртоғи Ж.Абдукаримовнинг бўйин қисмига бир марта урганлиги, бу вақтда улардан 2-3 метр узоқликда бўлганлиги, Ж.Абдукаримовнинг бўйнидан қон оқиб чиқиб, ерга йиқилиб қолганлиги, орадан вақт ўтиб ИИБ ва тез ёрдам вакиллари келишганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган **Шамсуддинов Бахтиёр Тошпулатович** ҳақиқатдан ҳам - Мирзо Улуғбек тумани, Норин кўчаси, 15-уйда яшаб келиши, қўшниси марҳум Ж.Абдукаримовни ёшлигидан буён таниши, судланувчи Д.Абдукаримовани ҳам таниши, уларнинг оиласини яхши билишини, Ж.Абдукаримов турмуш ўртоғи Д.Абдукаримова билан мунтазам равишда ўзаро жанжаллашиб турганлиги, уларнинг иккаласи ҳам доимий равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб турганлиги, жорий йилнинг 10 май куни соат 09:00 ларда ўзининг ҳовлиси ташқарисида дарахтларнинг қуриган шохларини кесиб турган вақтида марҳум Ж.Абдукаримов унга нотаниш бўлган У.Арифов билан бирга келишганлиги, Ж.Абдукаримов сувнинг бўйида ўтирайлик деб айтганлиги, сувнинг бўйида нима қиламиз, менинг уйимда ўтирамиз деб айтганлиги, Ж.Абдукаримов унинг таклифига рози бўлмасдан ўзининг уйига боришини айтганлиги, орадан тахминан 10-15 дақиқалар ўтганидан сўнг, бир ўзи қўшниси Ж.Абдукаримов уйига борганлиги, уйга кирган вақтида ховлининг ўнг томонида бетон устига жой тайёрланган бўлганлиги, у ерда Ж.Абдукаримов унинг турмуш ўртоғи Д.Абдукаримова



У.Арифов билан жами тўртталаси бирга ўтиришганлиги, 1 соатда ароқни ичиб бўлишганлиги, бу вақтда У.Арифов ўтирган жойи олдида ухлаб қолганлиги, шунда Ж.Абдукаримов яна ароқ ичиш учун деб Д.Абдукаримовага пул берганлиги, Д.Абдукаримова ароқ сотиб олиш учун кўчага чиқаётганида у ҳам Ж.Абдукаримовнинг уйдан чиқиб ўзининг уйдан егулик олиб келишга деб чиққанлиги, орадан вақт ўтиб уйдан егулиб олиб келганиги ва биргаликда яна ароқ истеъмол қилишганлиги, шу вақтда Ж.Абдукаримов судланувчи Д.Абдукаримова билан ўзаро уришиб қолишни бошлаган вақтида ўрнидан туриб жахл билан чиқиб кетганлиги, орадан анча вақт ўтиб, Ж.Абдукаримовнинг қизи Л.Абдукаримова кўнғироқ қилиб, отаси Ж.Абдукаримов вафот этганлиги ҳақида айтганлиги, шундан сўнг ИИБ ва тез ёрдам ҳодимларини кўрганлиги, мархум Ж.Абдукаримов ва Д.Абдукаримовалар ўртасидаги жанжал тез-тез бўлиб туриши, шу жанжалларнинг бирида унинг номи ҳам тилга олиниши, чунки нима сабабга кўра аниқ билмаслиги, лекин Ж.Абдукаримов турмуш ўртоғи Д.Абдукаримовани ундан рашк қилиши, воқеа куни ҳам шу ҳолат кузатилганлиги боис, ўрнидан туриб чиқиб кетганлиги, бироқ ҳеч қачон Д.Абдукаримова билан яқин муносабатда бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд ҳайъати, юқорида қайд қилинганлардан ташқари, давлат айбловчисининг хулосасини ва ҳимоячининг фикрини тинглаб, жиноят иш хужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Д.Абдукаримованинг айби, 10.05.2023 йилдаги ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал билан, Далилий ашёларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённомалар билан, Суд-тиббиёт экспертизасининг 09.06.2023 йилдаги 171-сонли хулосаси ва унга илова қилинган фотожадвал билан, Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси мутахассисларининг 05.07.2023 йилдаги №140-сонли эксперт хулосаси билан, Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал билан, Нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвали билан, Суд-тиббиёт экспертизасининг 12.07.2023 йилдаги №128 “Маст” сонли хулосаси билан, Нарса ва буюмни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал билан, Суд-криминалистика экспертизасининг 01.08.2023 йилдаги 298 К-сонли хулосаси ва унга илова қилинган фотожадвал билан, Гувоҳ У.Арифов ва айбланувчи Д.Абдукаримова ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси билан, Нарсани таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисидаги баённомалар ва уларга илова қилинган фотожадваллар билан ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан Д.Абдукаримованинг жинойий ҳаракатлари жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни қасддан ўлдиришда ифодаланган хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этишда ифодаланган



жинойй ҳаракатлар билан нотўғри квалификация қилинган деб топилади.

Жумладан, суд мажлисида кўрилаётган жиноят ишининг ҳақиқий ва суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, марҳум Ж.Абдукаримовнинг ожиз аҳволда эканлиги ўз тасдиғини топмади. Чунки марҳум Ж.Абдукаримовнинг ғайриҳуқуқий ҳаракати натижасида судланувчи Д.Абдукаримовалар ўртасида ўзаро рашк ва оилавий жанжал юзага келганлиги, жанжал оқибатида марҳум Ж.Абдукаримов судланувчи Д.Абдукаримовани манти қосқон билан уриб тан жароҳати етказганлиги, оғриқ ва зарблардан қочган Д.Абдукаримовани марҳум Ж.Абдукаримов қувишда давом этганлиги, натижада Д.Абдукаримова “тўхта ёки сени ўлдирман ёки ўзимни ўлдираман деб, Ж.Абдукаримовга айтганлиги, Ж.Абдукаримов эса Д.Абдукаримовани сочидан тортиб ушламоқчи бўлганида Д.Абдукаримова бир маротаба пичоқ уриши натижасида Ж.Абдукаримов вафот этганлиги, бундан ташқари суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ У.Арифов кўрсатмаларига марҳум Ж.Абдукаримов судланувчи Д.Абдукаримовани урганлиги, манти қасқон билан урганлиги, ортидан қувиб чиққанлиги ўзаро жанжал қилишганлигини гувоҳи бўлганлиги билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 8-бандида, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан квалификация қилишда, ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки рухий жихатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь гиёхвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсиридан оғир даражададаги мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини анлаган бўлиши шарт деб тушунтириш берилган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 09.06.2023 йилдаги 171-сонли хулосасида Ж.Абдукаримовнинг қонидан 3,58% (сийдигидан эса 3,68%) этил спирти аниқланганлиги, қондаги бу кўрсаткич тирик шахсларда алкогольдан оғир даражали мастлик ҳолатига тўғри келишлиги кўрсатилган бўлса-да, юқорида келтирилган асосларга кўра марҳум Ж.Абдукаримов спритли ичимлик таъсиридан оғир даражадаги маст ҳолатда бўлмаганлиги, бунинг исботи сифатида судланувчи Д.Абдукаримовани уриб тан жароҳати етказганлиги, Д.Абдукаримовани уришни давом эттириш учун Д.Абдукаримовани ортидан қувганлиги, бу ҳолатни эса тасдиқлаб, судланувчи ва гувоҳ кўрсатма берганлиги орқали ўз тасдиғини топмоқда. Шунинг билан марҳум Ж.Абдукаримов физиологик ҳолати яхши бўлганлиги, жисмоний ёки рухий жихатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги кузатилмаганлиги, жуда ёш ёки кекса эмаслиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда бўлмаганлиги, уйқуда бўлмаганлиги, алкоголь воситасини эса доимий равишда истеъмол



қилиши, воқеадан бир кун олдин ҳам воқеа куни ҳам истеъмол қилганлиги, бу ҳолат йиллар давомида кузатилиб, одатий бир кундаги ичкилик бўлганлиги, Ж.Абдукаримов томонидан судланувчи Д.Абдукаримовага тан жароаҳти етказганлиги эса 2023 йил 11 май кунги 563-Қ-руз сонли хулосасига кўра, Д.Абдукаримованинг танасида пастки жағ ўнг томонидаги, ўнг қўл билак олди юзасидаги, чап қўл билак орқа юзасидаги шилинмалар, чап қўл елка ўрта учлиги ташқи ён соҳасидаги қонталашлар каби тан ароҳати олганлиги қайд этилган.

Юқорида Пленум қарорининг тушунтиришларига асосан ҳамда аниқланган ишнинг ҳақиқий ҳолатларига кўра, марҳум Ж.Абдукаримов ожиз аҳволдаги шахс бўлмаган, аксинча судланувчи Д.Абдукаримовага биринчи бўлиб тан жароҳати етказган ва унга фаол қаршилик кўрсатганлиги суд мажлисида ўз тасдиғини топди.

Бундай ҳолатда, Д.Абдукаримованинг жиноий ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган ожиз аҳволдаги одамни қасддан ўлдириш жинояти белгиси мавжуд деб бўлмайди.

Шу сабабли, суд ҳайъати, Д.Абдукаримованинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” бандида ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмига, яъни қасддан одам ўлдиришда ифодаланган жиноят аломатларига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ва 37-бандида “Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳуқуқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)”лиги белгиланган.

Суд ҳайъати, судланувчи Д.Абдукаримовага нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, унинг шахсини, айбига иқрорлик даражасини ва содир этилган жиноятдаги иштирокчилик даражасини эътиборга олиб, судланувчи Д.Абдукаримова жиноятни ғараз ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб, бироқ қилмишидан чин кўнгилдан



пушаймонлиги, қарамоғида 1 нафар фарзанди борлиги, жабрланувчини даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, Д.Абдукаримовага айбдор деб топилаётган модда санкциясида кўзда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам муддатда тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топади.

Шу билан бирга, суд ҳайъати, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган марҳум Ж.Абдукаримовга тегишли 1 дона оқ рангли футболка, 1 дона қора рангли шортик, 1 дона манти қасқонинг пастки қисми, 1 дона ошхона пичоғи, 2 дона 1 литрли елим идиш, 1 дона литрли шишаси, 2 дона ароқ ичиш учун мўлжалланган шиша румкалар, 3 дона шиша кружка, 2 дона шиша румка ва 1 дона эркаклар шортиги тегишли тартибда йўқ қилинишини белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ КИЛДИ:

Абдукаримова Дилором Одилевна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан унга нисбатан 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати 2023 йил 10 майдан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Абдукаримовага қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг 1 дона оқ рангли футболка, 1 дона қора рангли шортик, 1 дона манти қасқонинг пастки қисми, 1 дона ошхона пичоғи, 2 дона 1 литрли елим идиш, 1 дона литрли шишаси, 2 дона ароқ ичиш учун мўлжалланган шиша румкалар, 3 дона шиша кружка, 2 дона шиша румка ва 1 дона эркаклар шортик тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо)

Б.Б.Бердиев

Халқ маслахатчилари: (имзо)

Н.Джалалов

(имзо)

С.Акилханов

ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Раислик қилувчи: (имзо)

Б.Б.Бердиев

